O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 12 октябрь, № 200 (4099) Пайшанба

Пахта — 2006





Қашқадарё:

КАТТА КАРВОН — МАНЗИЛДА

Қашқадарё вилояти пахтакорлари зафар маррасини эгалладилар. Пахта қабул қилиш масканларига 426 минг тонна сифатли хомашё етказиб берилди. Гектарлар ҳосилдорлиги 26 центнерни ташкил этди. Асосий пахта майдони чўл ҳудудига тўғри келадиган воҳа учун бу юқори натижадир.

Фермерликка кенг йўл очиб берилганлиги, ер ҳақиқий эгасини топганлиги тармоқдаги мувaффақиятларнинг бош омили бўлди.

15888 та фермер хўжалиги пахтачилик билан шуғулланди. Қарши туманидан «Лёва», Нишон туманидан «Хўжаёр ота», Касби туманидан «Тошпўлат Боқиев», Ғузор туманидан «Шоймардон бобо Пўлат ўғли», Косон туманидан «Эшқулобод», Миришкор туманидан «Менгишев Ўткир», Яккабоғ туманидан «Шамшар» каби юзлаб фермер хўжаликлари йиллик шартнома режасини биринчи теримнинг ўзидаёқ уддалашга эришдилар. Бу билан улар йиғим-теримда кўпчиликка намуна бўлдилар.



Йиллик шартнома режасини биринчилар қаторида бажарган Яккабоғ, 56 минг тонналик хирмон уйган Миришкор, 50 минг тонна пахта тайёрлаган Нишон, 47 минг тонналик маррани эгаллаган Қарши туманлари пахтакорлари, айниқса, вилоят ғалабасига муносиб улуш қўшдилар.

Шу ўринда ялпи хирмон салмоғини 80 минг тоннага етказишга аҳд қилган Касби тумани пахтакорларининг тажрибасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Деҳқонлар ўртасида «Касби бажарса, вилоят ҳам бажаради» деган гап бежизга айтилмаган. Чунки юки оғир — ҳар йили 60-70 минг тонна пахта тайёрланади. Бу йил ҳам ана шу чўққи забт этилди. Хусусан, «Боқиев Тошпўлат Хушович», «Бобоёров Ўрин», «Қодиров Маматқул», «Бобол ота», «Ферузбек», «Кенжа бобо Эгамбердиев», «Хўжақулов Бекжон Сергеевич» фермер хўжаликларида йиллик шартнома режаси 1,5-2 баравар ошириб бажарилди.

Акционерлик тижорат «Пахта банк»ининг туман бўлими бошқарувчиси ўринбосари Руслан Жалиловнинг айтишича, ҳозиргача теримчиларга 3 миллиард 48 миллион сўм пул тарқатилди. Улар ҳар килограмм пахтаси учун 45 сўмдан олишаяпти.

«Касбипахтатозалаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Исомиддин Шарипов эса хомашёнинг сифатидан хурсанд. «Бухоро-6» ва «Бухоро-8» навларининг толаси пишиқ ва сифатли. Янги ҳосилни қайта ишлашга аллақачон киришилган. 35 фоиз тола чиқаяпти, чигити ҳам салмоқли. Бу — фермерларнинг даромадига-даромад қўшилади, дегани.

— Фермерлик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моҳиятини, муҳими, деҳқоннинг ерга муносабатини тубдан ўзгартириб юборди, — дейди туман ҳокими Фурқат Шарипов. — Бу, ўз навбатида, унинг масъулиятини оширди, иқтисодий тафаккурини ривожлантирди. Шу боис фермер ўз ишини билиб қилаяпти, ўзининг меҳнатидан моддий манфаатдор бўлаяпти. Мисол учун, ҳозиргача юз фоиз ҳосилни биринчи навга топширдик. Шунинг ҳисобига 8 миллиард сўм соф фойда олинди. Мавсум охиригача бу кўрсаткич 10 миллиард сўмга етади.

Вилоятда-чи? Пахтакорлар ўтган йилни 50 миллиард сўм соф фойда билан якунлаган эдилар. Бу йилги соф фойда эса 70 миллиард сўмга етиши кутилаяпти.

Пахтазорларда йиғим-терим ишлари қизғин давом этаяпти. Деҳқонлар пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сирдарё:

ЎТГАН ЙИЛГИ ЮТУҚ ТАСОДИФ ЭМАСДИ

Давлатга 250 минг тонна пахта топшириб, ғалаба маррасига барвақт етиб келган қўриқ воҳа деҳқонлари шундай демоқдалар.

Бу йилги улкан меҳнат зафарига вилоятнинг Сирдарё, Сайхунобод, Гулистон, Боёвут, Ховос туманлари меҳнат аҳли, айниқса, муносиб улуш қўшдилар. Бу туманларда оммавий сафарбарликка жиддий эътибор қаратилди.

Энг муҳим юмушларнинг бошида эса, табиийки, фермерлар туришди. Вилоятдаги ана шу деҳқонларнинг аксарият қисми бугунги кунгача шартномавий режаларини ошириб бажардилар.

Уларнинг орасида шундай илғорлари ҳам учрайдики, натижада икки йиллик режа бир йилда уддаланиши оддий ҳолга айланиб қолди. Ховос туманидаги «Фарҳод» хўжалигидан Тиллабек Қултоев, сайхунободлик Тошпўлат Қоратоев, Боёвут туманидаги «Ғаллакор» фермерлар уюшмасидан «Ҳайитқул ота фарзандлари» фермер хўжалигининг раҳбари Райимқул Ҳайитқулов шулар жумласидандир.

— Режани 170 фоиздан оширган куним баъзи раҳбарлар ҳазиллашиб, «Тиллабек, энди бас, пахтангизни бошқаларга беринг, улар ҳам топшириқни эртароқ ошириб бажаришсин...:», дейишди. Бироқ бундан уч-тўрт йил олдин режани учма-уч бажарган дамларимиз ёдимда турган эди. Шуларни ўйлаб, аввал топшириқни 200 фоиз қилиб бажардим. Кейин эса, «Мана, энди даладаги ҳосилни териб олаверинглар...» дедим.

Шу нуқтада бир тўхтаб оламиз. Режа — бу оддий кўрсаткич. Тўғри, у — фермер меҳнатининг самарасини кўрсатувчи бир белги. Ана шу режа бажарилиши ортида қандай манфаатлар ётибди. Гап ана шунда. Айтайлик, Тиллабек Қултоев сингарилар режани икки ҳисса ошириб бажаришди. Хўш, бундан ўша фермерлар қандай наф кўради?

— 32 гектар майдондан 127 тонна пахта топширдик, — дея сўзида давом этади Тиллабек Қултоев. — Далаларимиз кучли шўрланган ҳудудлар таркибига киради. Ҳосилдорлик ҳам гектар ҳисобига 20 центнернинг нари-берисида. Аммо биз енгни шимариб, астойдил ишладик. Пешонамиз терини бир эмас, икки қўлимизнинг бармоқлари билан сидириб-сидириб кетмон урдик, десак, муболаға бўлмайди. Пахтачиликдан кўрган соф даромадимиз 27 миллион сўмга етибди. Очиғи, ҳисоб-китоб натижаси бизни хурсанд қилиб юборди.

Боёвутлик Райимқул Ҳайитқулов мана бундай дейди:

— *22 гектар ердан ўртача 40 центнердан ҳосил кўтариб, жами 88 тонна пахта сотдик. Бир терим билан режадагидан 11 центнердан кўпроқ ҳосил топширдик. Бу кўрсаткич деҳқончилик маданияти нисбатан юксалган бизнинг туманда ҳам ёмон натижа ҳисобланмайди. Соф даромадимиз 20 миллион сўмдан ошди. Нега туманда, қолаверса, вилоятда бундай кескин ўзгаришлар юз берди? Иқтисодчи бўлганлигим учун айтишим мумкинки, уларнинг барига мулк шаклининг ўзгарганлиги асосий омил бўлди. Фермерлик ҳаракати ўзини тўла оқлади. Қаранг, ўғит дейсизми, ёнилғи дейсизми, бари даланинг бошига келтириб берилаяпти. Бунинг учун давлатимиз ва ҳукуматимиз раҳбарларига беадад ташаккурлар айтамиз. Ахир пахта экишдан мақсад деҳқонни бой қилишдир. Нафақат ўзини, балки эл-юртни ўйлаган деҳқон давлатнинг ҳақиқий таянчига айланади. Унинг хазинасини бойитади.*

Яна битта рақам. Бу йил вилоятда фақат пахтачиликнинг ўзидан 12,9 миллиард сўм соф фойда олиниши кутилаяпти. Бу кўрсаткич кейинги 15 йил ичидаги энг юқори натижадир. Элда «Даромадга яраша буромад», деган нақл бор. Демак, вилоятда яна иқтисодий юксалиш палласи бошланади. Яна кўпдан-кўп йўллар бунёд этилади. Ўйингоҳлар қад ростлайди. Мактаблар, шифохоналар, янги турар жой бинолари ишга туширилади.

Шафоат Ваҳобова — Ховос туманининг энг илғор теримчиларидан бири. Бу аёл икки қизи билан бугунги кунгача эл хирмонига 13,5 тонна пахта териб тўқди.

— Ҳозиргача ишлаб топган пулимиз 700 минг сўмдан ошиб кетди, — дейди илғор теримчи. — Бу даромад оиламиз иқтисодига тузуккина ёрдам бўлди. Дастурхонимиз тўкин, фарзандларимизнинг эгни-боши бут. Мана шу нарсаларнинг ҳаммаси меҳнат туфайлидир. Ҳалол меҳнат қилган одамнинг косаси, албатта, оқаради. Буни биз мустақиллик йиллари даврида янада яхшироқ англадик.

Сўнгги сўз. Вилоятда кейинги йилларда ирригация ва мелиорация ишларига алоҳида эътибор берилди. Бу ўзининг натижасини кўп куттирмади. Сўнгги икки йил ичида ҳосилдорлик гектар ҳисобига 9 центнерга ошди. Бу ҳам маълум маънода қишлоқ хўжалигидаги туб бурилишдир. Фақат сўнгги икки йил ичида вилоят деҳқонлари салкам 5 миллиард сўмлик ҳайдов, чопиқ ва пахта терадиган техникалар харид қилишди. Вилоятда маъмурий-буйруқбозлик иш услуби ўрнига деҳқон билан самимий мулоқот усули оддий ҳолга айланди.

Кўкламнинг серёмғир кунларида кафти билан ғўзасини пана қилиб, даладан чиқмаган деҳқоннинг бугун уйида байрам. Саратон жазирамасига елкасини тутиб, ғўзасининг атрофида парвона бўлган деҳқоннинг бугун кўнглида байрам. Муҳими, ана шу омад, ана шу зафарли юришлар бундан кейин ҳам сирдарёликларнинг чинакам ҳамроҳига айлансин.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини бугун кўпгина соҳаларда кўриш мумкин. Айниқса, савдо ва ишлаб чиқариш тармоқларидаги манфаатли ҳамкорликларнинг кенгайиб бораётгани қувонарлидир.

УРАЛ ТАДБИРКОРЛАРИ – ТОШКЕНТДА

9-12 октябрь кунлари Урал Савдо-саноат палатасининг президенти Ю.Н. Матушкин бошчилигидаги россиялик ишбилармонларнинг мамлакатимизга ташрифи ҳам икки мамлакат тадбиркорлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ҳамда янги ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишни кўзда тутарди. Делегация таркибидан Урал Савдо-саноат палатаси раҳбарлари ҳамда металлсозлик, қурилиш, нефть-газ ва бошқа бир қатор соҳаларда фаолият юритувчи йирик корхона ва компаниялар вакиллари ўрин олгани шундан далолат беради.

Таъкидландики, 2004 йилда давлатлар ўртасидаги ўзаро товар айланмаси 1,6 млрд. АҚШ долларидан ошган бўлса, ўтган йили эса мамлакатимиз ташқи савдо айланмасида Россиянинг улуши 22 фоизни ташкил этди. Бу россиялик ишбилармонларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар иштирокида 433 та, Россияда эса Ўзбекистон сармояси иштирокида 284 та қўшма корхона фаолият юритмоқда. Улар энергетика, электр-техника, нефть-газ, кимё, савдо, суғурта, телекоммуникация, озиқ-овқат, доришунослик, ёғочни қайта ишлаш ва бошқа соҳалар билан шуғулланмоқда.

Ташриф давомида икки давлат ишбилармонлари вакиллари иштирокида бизнес-форум ўтказилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ва Урал вилояти ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, ҳамкорликнинг келажакдаги истиқболлари ҳамда биргаликда ишлаб чиқаришни шакллантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини излаб топиш каби бир қатор масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Обуна — 2007

ЭНГ ТЕЗКОР ВА ҲОЗИРЖАВОБ

«Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради»

Ҳурматли муштарий! Юқоридаги сўзлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қабул қилган, Сенат маъқуллаган, Президент имзолаган қонунларимизнинг сўнгги моддасида ёзиб қўйилишини яхши биласиз.

Расмий эълон эса, биринчи бўлиб **«Халқ сўзи»** ва **«Народное слово»** газеталарида, ўқувчига қулай бўлиши учун китобча шаклида, амалга оширилади.

Ҳуқуқий давлатда яшаётган эканмиз, қонунларсиз олға қадам ташлолмаслигимиз турган гап.

Айни пайтда бизнинг газета ҳафта мобайнида ҳар куни (якшанба ва душанбадан ташқари) чоп этиладиган даврий нашрдир. Жаҳондаги энг муҳим воқеалар, депутатлар ва сенаторлар фаолияти, юртимиздаги ибратли ишлар, эзгу ташаббуслар ҳақида энг тезкор ва ҳозиржавоб мақолаларни ўзбек ва рус тилларида фақат ва фақат «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» саҳифаларида ўқишингиз мумкин.

Фақат ўз вақтида расмийлаштирилган обуна ушбу нашрларни мунтазам олишингизга кафолат беради.

Бугунги давр талабларига жавоб берадиган, корхона ва ташкилотларнинг юксак савияли раҳбарлари обуна масаласини ҳозирдан ҳал этмоқдалар.

КЕЧИККАН АРМОНДА ҚОЛАДИ, ШУНИ УНУТМАНГ!

Амалий санъат намуналари тақдимоти

Халқаро маданият Карвон саройида Беларусь рассомлар уюшмаси томонидан тайёрланган сопол буюмлар коллекцияси ҳамда аньанавий тўқимачилик буюмларини ўзбек халқига тақдим этишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги турли соҳалардаги алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бораётганлигини таъкидлаб ўтишди. Беларусь халқи маданиятимиз, санъатимиз, шунингдек, адабиётимизга катта қизиқиш билан қарайди. Республикамизда доимий равишда ўтказилиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро фестивалида мазкур мамлакат санъаткорлари мунтазам иштирок этиб келишади.

Тақдим этилган халқ амалий санъати намуналари, сопол буюмлар ҳамда аньанавий тўқимачилик маҳсулотларида беларусь халқининг миллий урф-одатлари ва маданияти акс этган. Бу каби маданий ахборот алмашинувлар икки мамлакат халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Юлдуз РИЗАЕВА.

Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Сайқал" хусусий ишлаб чиқариш корхонасида ногиронлар учун аравачалар, велосипедлар ишлаб чиқарилади.

КОРХОНАНИНГ РЕЖАЛАРИ КАТТА

— Касбим шифокор бўлгани учун ҳам ушбу соҳага қўл урганман, — дейди корхона раҳбари, "Ташаббус-2002" танловининг мамлакат босқичида "Энг яхши тадбиркор" дея эътироф этилган Абдураҳмон ака Ниёзов. — Изланишларимиз, турли хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганимиз ўз самарасини берди. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар уларга эҳтиёжманд кишиларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Жорий йилда мазкур корхонада яна бир хайрли ишга қўл урилди. Корхона ҳузурида "UD-Audifon" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси ташкил этилди. Замонавий технологиялар асосида иш юритаётган қўшма корхонада эшитиш мосламалари ишлаб чиқарилмоқда. Шу кунга қадар бу ерда 120 миллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланди. Мазкур маҳсулотларни республикамиз истеъмолчиларига етказиб беришдан ташқари, Қозоғистон ва Қирғизистонга экспорт қилиш юзасидан ҳам шартномалар тузилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг хабари

Ўзбекистон Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантиришнинг ташаббускори бўла туриб, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома қоидаларига қатъий амал қилишни ёқлаган ва ёқламоқда ҳамда мазкур қуролни қўллаш таҳдидини камайтириш масалаларига катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон КХДР томонидан амалга оширилган ядровий синовни айнан шу нуқтаи назардан баҳолайди ва қоралайди.

Ўзбекистон Республикаси Корея яриморолида юзага келган вазиятни тартибга солишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди ва уни фақатгина сиёсий-дипломатик йўл билан ҳал этиш мумкинлигига умид билдиради.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг Шимоли-Шарқий Осиёдаги тангликни бартараф этиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги даъватларига қўшилади.

2006 йил 11 октябрь.

Битта гап

Дитер Штайнике,
Саксония-Ангальтдаги Ландтаг федерал замини президенти:

Мен Ўзбекистонда рўй бераётган воқеаларни катта қизиқиш билан кузатиб бораяпман. Мамлакатда икки палатали парламент яратилиши Ўзбекистон демократик жамият қуриш йўлидан ишончли ҳаракат қилаётганлигига ёрқин далилдир. Бу борада иккала мамлакат парламентарийлари ҳамкорлигини чуқурлаштириш зарур.

Қишлоқда коллеж

Бўстон чиройини очган кошона

«Улуғнор рамзи» фирмаси кейинги йилларда қатор ўқув даргоҳлари учун шаҳарлардаги унча-мунча кошоналардан қолишмайдиган муҳташам биноларни қуриб берди.

Айтиш мумкинки, бу иншоотлар сифатли қуриб битказилганидан ташқари, миллий меъморчилик ва замонавий архитектура анъаналари уйғунлашиб кетганлиги билан ҳам барчага маъқул келмоқда.

Фирма жамоаси жорий йилда кўплаб қурувчилар ҳавас қилса, ибрат олса арзигулик яна бир иншоотни — Шаҳрихон уй-жой коммунал хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи биносини барпо этди. Атиги етти ойда қўлдан чиққан янги даргоҳ Бўстон қишлоғи кўркини янада очиб юборишдан ташқари, вилоят ёшларидан 740 нафарини ўз бағрига олди.

О.ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ислоҳот ва самара

Умрида, лоақал бир маротаба бўлсин, поездга ўтириб, бирор-бир манзилга бормаган одам бўлмаса керак. Сафар чоғида вагон деразасидан теварак-атрофни томоша қилиб кетишнинг завқи бўлак-ча! Аммо эътибор берганмисиз, самолёт, кема ёки автомобиль транспортидан фарқли ўлароқ, поезддаги йўловчи ўзи кетаётган йўлни кўрмайди, бунинг иложи ҳам йўқ!

Иши бароридан келганлар

кўнглига тўй сиғади

Демакки, назаримиздан четда қолаётган мана шу йўллар каби, унинг замирига сингиб кетган минг-минглаб йўлсозлар меҳнати ҳам эътиборимиздан соқит бўлиб қолаётгандек. Зотан, бу йўллар узра поездлар ҳаракатининг мунтазамлигини таъминлаш учун қанчадан-қанча инсонлар ғайрат кўрсатишади. Улар бутун ҳаётларини ана шу эзгу ишга бахшида этишган. Кўгон шаҳридаги "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси тизимига қарашли 17-йўл машиналари станциясида бўлганимда, хаёлимдан мана шу фикрлар кечди...

Бу йил меҳнат аҳли корхона ташкил топганининг 70 йиллигини кенг нишонламоқчи. Ушбу жойда икки йил муқаддам бўлган одам бугун келса, танимай қолиши турган гап: маъмурий бинодан тортиб, цехлар, омборлар ва бошқа хоналар — ҳаммаси қайтадан қурилмоқда. Янгидан барпо этилган душ, тренажер зали, 40 ўринли ишчилар ётоқхонаси эса чиндан-да ҳавас қилишга арзигулик.

— Аввалари ишчилар кечалари цехда ётиб қолишар, аммо уларнинг яшаши учун айтарли имконият йўқ эди, — дейди корхона бошлиғи вазифасини бажарувчи Тоҳир Равшанов. — Бу эса ўз-ўзидан, иш суръатининг пасайишига сабаб бўларди. Айниқса, меҳнат шароитининг оғирлиги, режалар уддаланмагани боис маошлар ҳам қониқарли даражада эмасди. Кадрларни танлаш, уларни жойжойига қўйиш борасида йўл қўйилган камчиликлар жамоада носоғлом муҳитнинг вужудга келишига, раҳбарият билан ишчилар ўртасида совуқ муносабат пайдо бўлишига олиб келарди. Қисқаси, бир талай муаммолар йиғилиб қолганди. Компания раҳбарияти томонидан мавжуд вазиятни ўнглаш мақсадида қўлланилган чора-тадбирлар натижасида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади.

Жумладан, жамоада 2005 йил якунларига кўра, йиллик режа 102 фоиз уддаланган бўлса, бу йилги кўрсаткичлар ундан-да юқори бўлиши кутилмоқда. Ишчиларнинг ижтимоий муҳофазасига эътибор кучайтирилгани, қулай иш шароитлари яратилгани ютуқлар омили бўлмоқда. Биргина мисол. Ўтган йили ижтимоий ҳимоя мақсадлари учун корхонада 4 775 000 сўм сарфланган бўлса, бу йил ушбу йўналишга сентябрь ойига қадар яна шунча маблағ йўналтирилди.

— Хотин-қизларни оғир ишларга жалб этмаслик давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади, — дея сўзида давом этди Тоҳир ака. — Тўғри, корхонамиз ташкил топган дастлабки йилларда бу масалага у қадар эътибор берилмаган. Яъни, аёллар эркаклар билан баб-баравар меҳнат қилишган. Мустақиллик йилларида эса бундай муносабатга чек қўйилди. Ишлаб чиқаришга Австрия технологияси — пластик бириктирув мосламаларининг жорий этилиши ҳам оғир қўл меҳнатига барҳам бериб, меҳнат унумдорлигининг 3-4 ҳисса ошишига имконият яратди.

17-йўл машиналари станцияси жамоаси аввалари Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидан Ашхободгача бўлган улкан масофада йўл-таъмир ишларини амалга оширарди. Ҳозирда мамлакатимиз ҳудудидаги мавжуд темир йўлларда эскириб, яроқсиз ҳолга келган панжараларни алмаштириш баробарида, «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли қурилишида ҳам фаол иштирок этмоқда. Шу кунга қадар улар томонидан 20 километрлик масофага янги темир йўл панжаралари ётқизилди.

— Мен ана шу улкан масофада амалга оширилган иккинчи босқич таъмирлаш ишларида бошдан-оёқ иштирок этдим, — дейди суҳбатдошларимиздан бири Мамад ака Тўйев ғурурланиб. — Янги йўл фойдаланишга топширилгач нафақага чиқаман. Меҳнат фаолиятимни шундай улкан қурилиш ниҳоясида якунлаётганим учун тақдиримдан розиман.

Ҳар қандай корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари унинг қиёфасида ўз аксини топади. Бугун кўркам, озода ва шинам бир масканга айланган мазкур даргоҳда рўй бераётган ўзгаришлар унинг молиявий аҳволи яхшиланиб бораётганини кўрсатади. Одамларнинг турмуш тарзи, ишга муносабати, кайфияти эса моддий манфаатдорлиги билан белгиланади. Меҳнатининг маҳсули сифатида яхшигина маош олган кишининг уйи тинч, рўзғори ҳам бут бўлади.

Тушлик маҳали ишчилар ошхонасига кирдик. Ҳамма хуш кайфиятда эди. Ҳазил-мутойиба авжида. Бундай шароитда таом тановвул қилган кишининг тани яйрайди, кучига-куч қўшилгандек бўлади.

— Халқимизда: "Аввал девор, кейин ниҳол" деган нақл бор. Шунга амал қилиб, корхонамиз ҳудудини муҳофаза деворлари билан ўрашга аҳд қилдик, — деди пировардида Тоҳир ака баланд бетон пойдевор устига ғишт қалаётган қурувчи усталарга яқинлашганимизда. — Бу иш якунига етгач, кўкаламзорлаштиришга эътибор берамиз. Терак ва бошқа манзарали дарахтлар ўтқазиш ниятидамиз. Кўпдан қаровсиз ҳолга тушиб қолган мана бу ерда, ҳовли этагидаги каттагина майдончада эса спорт майдончаси барпо этамиз. Негаки, 70 йиллик тўйга муносиб совғалар билан боришимиз керак-да!

Фозил ТИЛОВАТОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК СЕКТОРИ ВА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР

Пойтахтимизда "Жамоатчилик секторида демократик ислоҳотлар: умуминсоний ва миллий қадриятлар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

У Республика Маънавият тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ташкил этилди. Тадбирда олимлар, экспертлар, ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори, тарих фанлари доктори Р.Фармонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнлари маънавий-маърифий соҳадаги янгиланишлар билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилаётганини таъкидлади. Айни вақтда юртимизда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш иши жадал давом этмоқда.

Одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бугунги кунда мамлакатимиздаги аксарият нодавлат ташкилотлар ўз фаолиятини ижтимоий-гуманитар, маданият ва таълим йўналишида олиб бормоқда.

Давра суҳбатида халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион кураш кучайиб бораётган ҳозирги даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ёнатрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари ўз фаолиятини ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ташкил этиши, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасидаги тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсири ва самарадорлигини янада кучайтириши лозим.

Давра суҳбатида жамиятни демократлаштириш шароитида маънавий қадриятларни шакллантириш жараёни, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик жамиятини қуришдаги иштироки, ёшлар тарбиясида миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.



Ўзбекистон туманидаги "Шўрсув" тоғ-кимё комбинатида йилига 13,5 минг тонна майдаланган олтингугурт, 2 минг тонна алебастр, 500 тонна оҳак ишлаб чиқарилади. Комбинат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари юқори. Шу боис ҳам республикамизнинг турли ҳудудларидан унга харидор бўлиб келувчилар кўплаб топилади. Масалан, бу ерда тайёрланаётган олтингугурт қишлоқ хўжалигида кутилганидек самара бериб, мижозлар ишончини оқламоқда.

СУРАТДА: комбинат ишчиси Бахтиёр Мелибоев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Солиқ тизими

Ҳаётимизни электр энергиясисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки бу ноёб манба аллақачон турмушимизнинг муҳим бир бўлагига айланиб улгурган.

Дебитор қарзлар камаймоқда

бунга қандай эришилаётир?

2004 йилнинг 1 ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Ана шу ҳужжат истеъмолчилар билан электр энергияси етказиб берувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этаётир. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча жойларида бир қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Сергели тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳам мавжуд дебитор қарзларни камайтириш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Айни пайтда туманда электр энергиясидан фойдаланувчи 50884 та абонент мавжуд бўлиб, шундан 653 таси юридик шахслардир. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, истеъмолчиларнинг умумий дебитор қарзлари 865,2 миллион сўмни ташкил этганди. Тўлов муносабатларини яхшилаш мақсадида туман ҳокимлиги, электр тармоқлари корхонаси ҳамда туман давлат солиқ инспекцияси ҳамкорлигида барча УЖМШ иштирокида бир қанча семинарлар уюштирилди. Уларда фойдаланилган электр энергияси учун маблағни кечиктирмай тўлаш лозимлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Албатта, бу саъй-ҳаракатлар қандай натижа берганини тўққиз ой якунлари ҳам яққол кўрсатди. Хусусан, шу йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, дебитор қарзлар миқдори 463,2 миллион, муддати ўтган қарзлар эса 276,3 миллион сўмга камайди. Шунингдек, электр энергияси етказиб берувчи корхона томонидан истеъмолчиларнинг муддати ўтган қарзлари бўйича зарур ҳужжатлар тайёрланиб, туман давлат солиқ инспекциясига реестр асосида топширилмоқда. Ҳозиргача асосан 152 та корхонанинг 72,5 миллион сўм қарзи рўйхатга олинди. Қонуний чора кўрилишини сўраб 144 корхонанинг 70,8 миллион сўмлик муддати ўтган қарзи бўйича Тошкент шаҳар хўжалик судига ҳужжатлар тақдим этилди.



Туманда йирик миқдорда ва доимий дебитор қарзига эга корхоналар ҳам мавжуд. Масалан, "Сувсоз" трести биргина электр энергиясининг ўзидан 65830 минг сўм қарздор бўлган бўлса, ҳозиргача бу маблағни тўлиқ ундириб олишга эришилди. "Судок" корхонаси 51392,6 минг сўмлик "улуш"га эга бўлиб, шундан 35000 минг сўми ундириб олинди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Туман давлат солиқ инспекцияси бундан кейинги фаолияти давомида ҳам асосий эътиборни мавжуд дебитор қарзларни камайтиришга қаратади.

Кўриб турганингиздек, биргина тўловнинг муддатидан кечикиши қанчадан-қанча муаммою ортиқча сарсонгарчиликни келтириб чиқаради. Аслида тежамкорлик билан иш тутилса, истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағ ўз вақтида тўлаб қўйилса, ўйлаймизки, ҳеч қандай муаммога ўрин қолмайди.

Абдумалик ҚАҲРАМОНОВ,
Сергили тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

ИҚТИСОДИЁТ

янгиликлари

Эрта эксанг, эрта ўрасан

Тошкент вилояти ғаллакорлари жорий йилда 115 минг гектар суғориладиган, 14 минг гектардан зиёд лалми майдонга кузги дон экишни режалаштиришган эди.

Ҳозирга қадар унинг ярмидан кўп қисмига барака уруғи қадалди. Бу юмушга салкам беш юзга яқин қишлоқ хўжалик техникаси жалб этилгани иш суръатини тобора оширмоқда.

Ғалла етиштиришда бой тажриба тўплаган деҳқонлар асосий эътиборни буғдойнинг синалган ва маҳаллий иқлимга мос "Крошка", "Половчанка", "Чиллаки" ҳамда "Краснодар-99" навлари уруғини экишга қаратмоқдалар.

Ер ости бойликлари — эътиборда

Навоий шаҳрида «Тоғ-металлургия соҳасида замонавий техника ва технологияларни қўллаш ҳамда унинг келгусидаги истиқболлари» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий давлат кончилик институти ҳамкорлигида ўтказилган мазкур анжуманда юртимиз ҳамда МДҲ мамлакатларидан таклиф этилган олим ва мутахассислар иштирок этди. Улар ер ости бойликларини қидириб топиш, турли геологик шароитлардаги тоғ-кон саноати ҳудудларида экогеокимёвий тадқиқотлар ўтказиш, тизимнинг экологик аҳволи ва муаммоларига бағишланган маърузаларни тингладилар.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари Зарафшондаги Марказий кон бошқармаси ва «Мурунтов» конида бўлиб, соҳа ходимлари билан ўзаро тажриба алмашдилар.

Ҳамкорликка кўприк

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида «Транспорт ва Логистика-«TransUzbekistan-2006» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

«ITE Uzbekistan» ва «ITE E&C LTD» (Буюк Британия)» компаниялари ташкил этган ушбу кўргазмадан юк ва йўловчи ташишнинг замонавий технологиялари, транспорт техникасининг янги намуналари, илғор конструкциялар ҳамда темир йўл, ҳаво ва автомобиль транспортидаги ахборот-логистика тизимларига оид ранг-баранг экспонатлар жой олди. Улар Россия, Украина, Қозоғистон, Эстония, Германия, Ўзбекистон ҳамда Беларусь каби 30 дан ортиқ мамлакатлар фирма ва компанияларининг маҳсулотларидир.

Кўргазма ташкилотчиларининг маълум қилишича, транспорт ва логистикага оид тадбир компаниялар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришда, мамлакатимиз транспорт соҳасига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда тадбиркорларнинг хорижий ҳамкорлар билан амалий алоқалар ўрнатишларида муҳим аҳамиятга эгадир.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» назоратида

Газетамизнинг 2006 йил 7 октябрь сонида «Саломга алик лозим» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди. Куни кеча мазкур мақола юзасидан Олий хўжалик суди судлов таркиби раиси А. Нарзуллаев имзоси билан таҳририятга расмий жавоб келди.

Қўшимча маълумот берилади

«Мақола Олий хўжалик судида иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқилди, дейилади унда. Аниқланишича, даъвогар — Қарши шаҳридаги «Лобар — Ш «Д» хусусий фирмаси Қашқадарё вилояти хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар — Қарши шаҳар халқ таълими бўлимидан мактаб биносини бузиш ва кўчириш ишлари учун қилинган харажатлар — 90.209.000 сўм асосий қарз, 45.000.000 пеня, жами 135.209.000 сўм ундиришни сўраган. Вилоят хўжалик судининг 2006 йил 23 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган ва «Лобар — Ш «Д» хусусий фирмаси фойдасига 77.720.065 сўмлик асосий қарз ундирилган. Шу суд апелляция инстанциясининг 2006 йил 1 мартдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

САЛОМГА АЛИК ЛОЗИМ

Кассация инстанцияси судининг 2006 йил 24 апрелдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Халқ таълими бўлими вилоят хўжалик судининг 2006 йил 23 январдаги ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган. Хўжалик судининг 2006 йил 26 майдаги ажрими билан ариза қаноатлантирилган ва шу кунги ҳал қилув қарори билан «Лобар — Ш «Д» хусусий фирмасининг даъвоси рад қилинган. Бундан ташқари, суд томонидан мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисида хусусий ажрим чиқарилган.

«Лобар — Ш «Д» хусусий фирмаси хўжалик судининг мазкур суд ҳужжатларидан норози бўлиб, уларни бекор қилиш ҳақида апелляция инстанциясига мурожаат қилган.

Қашқадарё вилояти хўжалик судида кворум бўлмаганлиги сабабли иш апелляция инстанциясида кўриш учун Самарқанд вилояти хўжалик судига ўтказилган. Самарқанд вилояти хўжалик суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 8 августдаги ажрими билан даъвогарнинг апелляция шикояти бўйича қўзғатилган жиноят иши якунлангунга қадар иш юритиш тўхтатиб қўйилган.

Апелляция инстанциясининг иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажримидан норози бўлиб «Лобар — Ш «Д» хусусий фирмаси кассация шикояти билан Олий хўжалик судига мурожаат қилган. Кассация инстанциясининг 2006 йил 27 сентябрдаги қарори билан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2006 йил 8 августдаги ажрими бекор қилинган ва иш мазмунан кўриб чиқиш учун шу суднинг апелляция инстанциясига юборилган.

Ишни кўриш натижалари ҳақида ҳамда мақолада билдирилган важлар юзасидан қўшимча маълумот берилади».

нунчилик палатасига ўзи киритган қонун лойиҳасини мазкур лойиҳа биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар чақириб олишга ҳақлидир. Агар қонун лойиҳаси бир нечта қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилган ва мазкур субъектларнинг барчаси лойиҳани чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, қонун лойиҳаси чақириб олинган деб ҳисобланади.

30-модда. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига қайта киритиш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари Қонунчилик палатасининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда маромига етказилган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига қайта киритишга ҳақли.

V. Якуновчи қоидалар

31-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 11 октябрь
№ ЎРҚ — 60

16

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2006 йил

Қирқиш чизиғи

доирасида топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек энг яхши қонун лойиҳаси учун танловлар эълон қилишга ҳақлидир.

12-модда. Қонун лойиҳасининг концепцияси

Қонун лойиҳасини тайёрлаш унинг концепциясини ишлаб чиқишдан бошланади. Концепцияда қуйидагилар белгиланиши керак:

ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предмети;

тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг мазкур соҳада амалда бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили илова қилинган ҳолдаги умумий тавсифи ва ҳолатига берилган баҳо;

қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти асослари;

қонун лойиҳасининг асосий қоидалари;

бўлғуси қонуннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари тахмини.

13-модда. Қонунлар лойиҳаларига қўйиладиган асосий талаблар

Қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг принциплари ва нормалари ҳисобга олинади. Қонунлар лойиҳалари қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

14-модда. Қонун лойиҳасини тайёрлашда қонунчиликнинг ҳолатини ва ҳуқуқнинг қўлланилиш амалиётини ўрганиш

Қонун лойиҳасини тайёрлаш қонунчиликнинг ҳолатини чуқур ўрганишга, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни аниқлаш-

8

Буклаш чизиғи

га, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиш амалиётини таҳлил этишга асосланади.

15-модда. Қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда халқаро тажрибани ҳисобга олиш

Қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари ҳисобга олинади, шунингдек қонун билан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилади.

16-модда. Қонун лойиҳасини тайёрлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритгунига қадар жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил этишга ҳақлидир. Қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш тартиби ва шакли қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан белгиланади.

17-модда. Қонун лойиҳасини такриз учун юбориш

Қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига, шунингдек манфаатдор давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, илмий муассасаларга тақриз учун юборилиши мумкин.

Қонун лойиҳаси фақат қонун лойиҳаси борасидаги ишлар тугалланганидан ва у бўйича экспертиза ўтказилганидан кейин қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан тақриз учун юборилади.

III. Қонунлар лойиҳаларининг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар. Қонун лойиҳаларининг экспертизаси

18-модда. Қонунлар лойиҳаларининг шакли

Тартибга солинадиган муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда

9

Қирқиш чизиғи

Олий хўжалик судининг Пленумида муҳокама этилади ва уни Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарорда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили кўрсатилади, у қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишда иштирок этади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутати ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан якка тартибда қабул қилинади.

Бир нечта қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан тайёрланган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарор ҳар бир қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан алоҳида қабул қилинади.

Қонун лойиҳаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан Қонунчилик палатасига давлат тилида киритилади. Бир вақтнинг ўзида уларнинг бошқа тиллардаги таржимаси тақдим этилиши мумкин.

27-модда. Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳасига илова қилинадиган ҳужжатлар

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилаётганда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

1) қонун лойиҳасининг концепцияси баён қилинган тушунтириш хати;

2) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;

3) ўзгартирилиши, қўшимчалар киритили-

14

Буклаш чизиғи

органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси;

3) Қонунчилик палатаси депутатлари;

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

5) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий суди;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди;

8) Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори.

4-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонунлар лойиҳаларини киритиш орқали амалга оширилади.

5-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қонунчилик палатасида ўзи киритган қонун лойиҳаси кўриб чиқилаётганда иштирок этиш учун ўз вакилини тайинлайди. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг бошқа субъектлари ҳам (Қонунчилик палатаси депутатларидан ташқари) қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётганда иштирок этиш учун ўз вакилини тайинлаши мумкин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1) ўз ташаббуси билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига би-

3

Қирқиш чизиғи

қонун қабул қилиниши, қонунга ўзгартишлар, қўшимчалар киритилиши, шунингдек амалдаги қонунни ёки унинг бир қисмини ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти кўриб чиқиши учун киритиши мумкин.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ёки фуқаролар томонидан киритилган қонунлар лойиҳаларини ёки таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ўзи ишлаб чиқаётган қонунлар лойиҳалари учун асос сифатида қабул қилиши мумкин.

II. Қонун лойиҳасини тайёрлаш

9-модда. Қонун лойиҳасини тайёрлаш тартиби

Қонун лойиҳасини тайёрлаш:

қонун лойиҳасини тайёрлаш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш ва уни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилишни;

қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлашни;

зарур материаллар ва ахборот тўплашни;

қонун лойиҳасининг концепциясини ишлаб чиқишни;

қонун лойиҳасини тузишни;

ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертиза ўтказишни ўз ичига олади.

10-модда. Қонун лойиҳасини бир нечта қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан биргаликда тайёрлаш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти қонун лойиҳасини биргаликда тайёрлаш тўғрисидаги таклиф билан бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига мурожаат қилиши мумкин.

6

Буклаш чизиғи

Қонун лойиҳасининг матнига:

қонун лойиҳасининг ёки унинг айрим қоидаларининг кучга кириш муддати ва тартиби тўғрисидаги;

илгари қабул қилинган қонунларни ёки уларнинг айрим қоидаларини мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қоидалар киритилиши мумкин.

20-модда. Қонун лойиҳаси баёнига таллуқли талаблар

Қонун лойиҳаси лўнда, аниқ, оддий ва равон тилда, нормаларни турлича изоҳлашни истисно этадиган тарзда юридик атамашуносликка риоя қилинган ҳолда баён қилинади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

21-модда. Қонун лойиҳаси матнида тушунчалар ва атамалардан фойдаланиш

Қонун лойиҳасида фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади.

Зарур бўлган ҳолларда, қонунлар лойиҳаларида юридик, техник ва бошқа махсус атамалар ҳамда тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилади ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилади.

22-модда. Қонун лойиҳасида ҳаволалардан фойдаланиш

Қонун лойиҳасининг моддаларида (қисмлари, бандлари, кичик бандлари, хатбошиларида) унинг бошқа моддаларига (қисмлари, бандлари, кичик бандлари, хатбошиларига), бўлимлари, кичик бўлимлари, боблари, параграфларига, шунингдек бошқа қонунларга ва улар-

11

Қирқиш чизиғи

Мини-футбол турнирига марҳамат!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қаророидаги вазифаларни изчил ижро этиш ҳамда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида белгиланган соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газетаси таҳририяти соврини учун Республика журналистлари ўртасида ўзбек футболининг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган, мини-футбол бўйича анъанавий 2-турнир шу йилнинг **26 октябрь — 6 ноябрь** кунлари ўтказилади.

Мазкур турнир Тошкент шаҳридаги «Истиқлол» спорт мажмуи стадионида бўлиб ўтади. Унда иштирок этишни хоҳлаган мамлакат оммавий ахборот воситалари жамоалари тегишли буюртманомани «Спорт» газетаси таҳририятига **2006 йилнинг 20 октябрига** қадар етказишлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Эшон Бобохон кўчаси, 67 «А»-уй.
Тел: 144-17-37, 396-39-49, факс: 393-19-59.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилги ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 21 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) киритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ қуйидагилар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга:

1) Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

2) ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик

ши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши керак бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати;

4) моддий харажатлар талаб қилинадиган қонунлар лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар;

5) давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтиришни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси.

Қонун лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан Қонунчилик палатасига киритилаётганда қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги тегишли қарор тақдим этилиши керак.

Қонун лойиҳаси матнининг ҳамда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган материалларнинг нусхалари электрон шаклда тақдим этилиши керак.

28-модда. Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаси матнини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан ўзгартириш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти Қонунчилик палатасига ўзи киритган қонун лойиҳаси матнини қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар ўзгартиришга ҳақли.

29-модда. Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан чақириб олиш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти Қо-

Буклаш чизиғи — Кирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи — Кирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи

қонунлар лойиҳалари қуйидаги шаклда ишлаб чиқилади:

1) Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунлари ва қонунлари лойиҳалари;

2) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларига ҳамда қонунларига ўзгартиш, қўшимча ва тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари;

3) Ўзбекистон Республикаси қонунларини ёки уларнинг айрим нормаларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари.

19-модда. Қонун лойиҳасининг тузилиши

Қонун лойиҳаси, қоида тариқасида, бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфларга ажратилади.

Қонун лойиҳаси унинг қабул қилиниши сабаблари ва мақсадларига оид тушунтиришни қамраб олган муқаддимага эга бўлиши мумкин. Норматив кўрсатмалар муқаддимага киритилмайди.

Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳага эга бўлади ҳамда рақамланади.

Қонун лойиҳасида норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар кўринишида баён этилади. Моддалар қисмларга ажратилиши мумкин. Моддаларнинг қисмлари бандлар, кичик бандлар ва хатбошиларни қамраб олиши мумкин. Кодекслар ва бошқа қонунлар лойиҳаларининг моддаларига, қоида тариқасида, сарлавҳа қўйилади.

Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар, моддалар, шунингдек моддаларнинг қисмлари, бандлари ва кичик бандлари лойиҳа мавзуи мантиқан ривожланиб боришини таъминлайдиган тарзда кетма-кет жойлаштирилади.

11-модда. Қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш

Қонун лойиҳасини тайёрлаш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан ишчи гуруҳи (комиссияси) тузилиши мумкин.

Ишчи гуруҳи (комиссияси) таркибига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти юридик хизматининг ва бошқа бўлинмаларининг вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг тегишли тармоқлар ёки бошқарув соҳаларининг ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вакиллари, бошқа манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар, нодавлат ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин.

Ишчи гуруҳи (комиссияси) аъзолари қонун лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлишлари керак.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида ишчи гуруҳининг (комиссиясининг) фаолиятини таъминлаш учун вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралардан қонун лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар, статистика маълумотлари ҳамда бошқа маълумотларни олишга, шунингдек тайёрланаётган қонун лойиҳаси бўйича маслаҳатлар, тавсиялар ва экспертлар хулосалари олишга ҳақлидир.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти, зарур бўлган ҳолларда, қонун лойиҳасини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда ўз ваколати доирасида топшириши ёки уларга шартнома асосида буюртма бериши мумкин.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти, зарур бўлган ҳолларда, қонунларнинг муқобил лойиҳаларини тайёрлашни бир нечта давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга ўз ваколати

Қирқиш чизиғи

нинг айрим қоидаларига ҳаволалар норматив кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёхуд такрорлашларга йўл қўймаслик учун қўлланилади.

23-модда. Қонун лойиҳасини экспертизадан ўтказиш

Қонун лойиҳаси устидаги иш тугалланганидан сўнг унинг сифатига баҳо бериш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг қарорига биноан лойиҳа ҳуқуқий ва бошқа хил (иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар қонун лойиҳасининг экспертизаси натижалари бўйича тегишли хулоса тақдим этадилар.

Экспертлар сифатида қонун лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва (ёки) шахслар жалб қилинади. Экспертиза ўтказиш учун олимлар ва мутахассислар, шу жумладан бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида билдирилган ёки экспертларнинг хулосаларида баён этилган таклифлар ва мулоҳазалар тавсия хусусиятига эгадир.

24-модда. Қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси

Қонун лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим. Ҳуқуқий экспертиза ўтказилаётганда қонун лойиҳаси нормаларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза қонун лойиҳасини тайёрлаган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилиши мумкин.

камасининг топшириқларига биноан ва ўз ташаббуси билан қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади;

5) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича таклифларини кўриб чиқади ва умумлаштиради;

6) қонунлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказади, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

7) қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлаштириш тўғрисида, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва яхлитлигини таъминлаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади, қонун ҳужжатларини кодификациялаш ишларини амалга оширади;

8) қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш зарурлигига оид масалаларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан олдиндан келишиб олади.

8-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органларининг, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиши

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар қонунлар лойиҳаларини ёки янги

Буклаш чизиғи — Кирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи — Кирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи

ноан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталарининг таклифлари ва тавсиялари асосида қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритади;

2) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларига қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисида топшириқлар беради, қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ишини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади;

3) қонунлар лойиҳаларини давлат органларига, нодавлат ташкилотларга ва илмий муассасаларга тақриз учун юборади;

4) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг амалдаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиш амалиёти ҳамда уларнинг самарадорлигини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборотларини эшитади;

5) қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш борасида бошқа фаолиятни амалга оширади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги ваколати

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколати доирасида:

1) қонун ижодкорлиги масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда мазкур фаолиятга услубий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

2) қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқнинг қўлланилиш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати олиб борилишини таъминлайди;

3) қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-

25-модда. Қонун лойиҳасининг молиявий-иқтисодий асослари

Моддий харажатлар талаб қилинадиган қонун лойиҳасини тайёрлашда унга молиявий-иқтисодий асослар илова қилинади, мазкур асосларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига келишув учун мажбурий тартибда юборади. Жавоб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли ёзма мурожаат келиб тушган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига юборилиши керак.

Давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтиришни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси бўлиши зарур. Хулоса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли ёзма мурожаат келиб тушган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига юборилиши керак.

IV. Қонунлар лойиҳаларини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан Қонунчилик палатасига киритиш тартиби

26-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарори

Қонун лойиҳаси тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида, Ўзбекистон Республикаси

Кирқиш чизиғи — Кирқиш чизиғи

Спорт

Профессионал боксимиз мутасаддилари ишқибозлар учун ажойиб байрам шоуси уюштирмоқдалар. 14 октябрь куни пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида тўрт ва саккиз раундлик рейтинг жанглари ўтказилади. Унда профессионал боксда анча тажриба тўплаган юртдошларимиз Алишер Раҳимов (59 кг), Фарҳод Бакиров (66 кг), Қувончбек Тойғонбоев (69 кг), Икром Бердиев (72 кг) ва Ғайрат Аҳмедов (91 кг) рингга кўтариладилар. Уларнинг рақиблари Россия ва Украина давлатларидан келган номдор боксчилар бўлади.

Мусобақа арафасида Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси биринчи вице президенти Дониёр Эргашев билан тайёргарлик ишлари, умуман, юртимизда шу спорт тури бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

Ўзбекистонда профессионал бокс мактабига расман 1993 йилда асос солинган. Қувончлиси, спортнинг шу тури бўйича ҳамюртларимиз эришган ютуқлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Артур Григорян профессионал боксда 17 карра жаҳон чемпиони бўлиб, ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиларининг нималарга қодирлигини жаҳонга намойиш этганди. Бугун юртимизда унинг издошлари кўпчиликни ташкил этади. Руслан Чагаев, Қувончбек Тойғонбоев, Темур Ибрагимов, Алишер Раҳимов, Қаҳрамон Орзиқулов... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бокс қироллари Тошкент рингида

— Дониёр ака, мамлакатимиздаги мавжуд бўлган профессионал бокс клублари фаолиятидан қониқиш ҳосил қиласизми?

— Профессионал бокс анча мураккаб, энг кўп меҳнат талаб қиладиган спорт турларидан ҳисобланади. Битта спортчини тарбиялаш учун узоқ йиллик меҳнат талаб этилади. Қувончлиси, бугун юртимизда ана шу масъулиятни ўз зиммасига олиб ишлаётган, иқтидорли профи-бокс усталарини тарбиялаб бераётган клублар сони кўпаймоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Андижон, Бекобод ва Фарғона шаҳарларидаги профи-бокс мактабларида бугун кўплаб ёшлар маҳоратларини оширмоқдалар. Шу ўринда Тошкентдаги «Фавзул-Мунаввар» профессионал бокс клуби



фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Мазкур клубнинг промоутерлик лицензияси бор. У Ўзбекистонда турли бокс шоулари ва мусобақалар ташкил этиш ҳуқуқига эга. Клубга бокс фидойиси Шухрат Ҳайдаров бошчилик қилади. Мурод Эргашев, Зуфар Сулаймонов, Алексей Дин, Фарҳод Арслонов каби тажрибали мураббийлар машғулотлар ўтказади. 14 октябрь куни ўтадиган рейтинг жанглари ҳам ана шу клуб ва россиялик промоутер Герман Титов ҳамкорлигида уюштирилмоқда. Умуман олганда, ҳозирда лицензия олиб жанг ўтказаётган 22 нафар профессионал боксчимиз бор. Лекин, бу биз учун кам. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

— Бугун профессионал боксда ўз омадини синаб кўраётган юртдошларимиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз...

— Дастлаб ўзбек профессионал бокси фахрийлари ҳақида гапирмоқчиман. Фарҳод Арслонов, Карим Тўлаганов, Зиёддин Тойғонбоев, Акмал Асланов, Маҳмуд Мақсудов сингари фидойиларимиз Ўзбекистонда профессионал бокс ривожланишига муносиб улуш қўшишган. Ҳозирда профессионал бокс бўйича РАБА чемпиони Фарҳод Бакиров Японияда, WBOнинг қитъалараро ва IBAнинг жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Қаҳрамон Орзиқулов, Дониёр Раҳматуллаев ва Алишер Раҳимов, Қувончбек Тойғонбоевлар Россияда, Бекзод Набиев Қозоғистонда, Руслан Чагаев Германияда, Темур Ибрагимов АҚШда шуғулланишаяпти. Шу ўринда россиялик промоутерлар ўзбек боксчиларига катта қизиқиш билдираётганлигини таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Улар ҳамюртларимиз билан турли муддатларга шартномалар имзолашмоқда.

— Артур Григориндан ташқари, ўн икки раундлик чемпионлик жангида қатнашган ўзбекистонлик боксчилар борми?

— Профессионал боксда ўн икки раунд жанг ўтказган юртдошларимиз саноқли. 1997 йил декабрь ойида пойтахтимиздаги Санъат саройида Фарҳод Арслонов (59 кг) РАБА чемпионлиги учун қозоғистонлик Қанат Сихимбоевга қарши рингга кўтарилганди. Муросасиз беллашувларга бой бўлган жангда Қ. Сихимбоев очколар ҳисобида ғалаба қозонди. Сўнгра ўша учрашув «Йилнинг энг яхши жангларидан бири» номинациясига сазовор бўлди. 2001 йил пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ҳамюртимиз Фарҳод Бакиров (66 кг) индонезиялик Давид Косванага қарши ўтказган чемпионлик жангида катта устунлик билан зафар қўлганди.

Сўзимнинг охирида барча юртдошларимизни «Ўзбекистон» спорт мажмуасига таклиф этмоқчиман. Уларнинг қўллаб-қувватлашлари боксчиларимизни, шубҳасиз, ғалабалар сари руҳлантиради.

«Халқ сўзи» мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ суҳбатлашди.

СУРАТДА: иқтидорли боксчимиз Карим Тўлаганов (чапда) навбатдаги жангда.

САФАР УЧРАШУВИ ҒАЛАБА КЕЛТИРДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2007 йили ўтказиладиган Осиё чемпионатининг саралаш босқичида навбатдаги тур учрашувини ўтказди. Бу гал ҳамюртларимиз Бангладеш терма жамоаси меҳмони бўлди.

«F» гуруҳидаги бешинчи тур учрашувида футболчиларимиз мезбонлардан маҳорат ва тажриба бобида устунлигини исботлади. Беллашувнинг ўнинчи дақиқасида Илёс Зейтуллаев аниқ зарба йўллаб ҳисобни очди. Бу моҳир ярим ҳимоячимизнинг терма жамоа таркибидаги биринчи голи бўлди.

Биринчи бўлимда ўзбекистонлик чарм тўп усталаридан Улуғбек Бақоев, Сервер Жепаров ва Максим Шацких Бангладеш жамоаси дарвозасига биттадан гол киритиб, терма жамоамизнинг 4:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади. Баҳснинг иккинчи ярмида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги сўнгги учрашувни 15 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Қатар терма жамоасига қарши ўтказади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Кузги чақириқ

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ АРМИЯГА БОРАДИ

Ўзбекистон мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник М.Аҳмедов мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш ёшларимиз учун нафақат конституциявий, балки инсоний бурч, шарафли ва масъулиятли ишга айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Армияга ёшлар орасидан маънавий ва жисмоний етук йигитлар алоҳида танлаб олинаётгани, ҳарбий хизматчиларга берилаётган имтиёзлар, яратилаётган бошқа кўплаб шарт-шароитлар ҳарбий хизмат нуфузини, ёшларнинг армияга бўлган қизиқишини янада оширмоқда. Жойларда ҳарбийга чақирилувчи ҳар йигирма-ўттиз нафар йигитдан бири хизматга танлаб олинаётгани бунинг яна бир яққол далилидир. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қарорда белгиланган имтиёзлардан бири — мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп балларнинг 25 фоизи миқдоридаги қўшимча балл шаклидаги имтиёздан юзлаб ёшлар фойдаланмоқда.

Юртбошимизнинг 2006 йил 25 августдаги қарорига мувофиқ, шу йилнинг октябрь-ноябрь ойларида ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар резервга бўшатилиб, чақирув ёшига етган ёшлар Қуролли Кучлар сафига чақирилади. Анжуманда чақирув ҳайъати ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилиб, чақирилувчиларнинг соғлиғи мукаммал тиббий кўрикдан ўтказилиши, интеллектуал салоҳияти ва маънавий-руҳий тайёргарлиги пухта ўрганилиши учун жойларда барча шарт-шароит яратилгани қайд этилди.

Мудофаа вазирлиги чақирув ва резервчилар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Б.Мирзамуҳамедовнинг таъкидлашича, Қуролли Кучлар сафига чақирилган йигитларга чақирилувчининг ҳуқуқлари, мажбурият ва вазифалари қайд этилган "Армия — ҳаёт мактаби" номли эслатмалар китобчаси берилмоқда. Айни пайтда, бу йил чақирилувчилар учун мўлжалланган тест саволлари савияси ҳам янада оширилган. Буларнинг бари Қуролли Кучларимиз сафига ҳар томонлама етук йигитларни саралаб олиш имконини беради.

Халқ ва армиянинг бирдамлигини таъминлаш ҳарбий соҳадаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидандир. Шу боис, жойларда йигитлик бурчини ўташга отланган ёшларни армияга кузатиш ва ҳарбий хизматни ўтаб бўлганларни кутиб олиш маросимлари тантанали равишда амалга оширилмоқда. Маданият ва санъат намоёндалари, отаоналар, маҳаллакўй ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтаётган "Аскар уйга қайтди", "Аскар — маҳалла меҳмони" каби тадбирлар шулар жумласидандир. Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш ва эл-юртимиз тинчлик ҳамда осойишталигини таъминлаш борасида Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижаларидан аҳолини кенг миқёсда хабардор қилиб бориш — замон талаби. Бу, ўз навбатида, журналистлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

Анжуманда бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

КЎРГАЗМА



Тасвирларда қалб муҳри

Ўзбекистон Давлат санъат музейида Николай Шиннинг шахсий кўргазмаси очилди. Унда рассомнинг музей хазинасидан ўрин олган йигирмага яқин энг сара асарлари намойиш этилмоқда. Жумладан, "Қаҳрамон она Туйғули Қодирова портрети", "Светлана портрети", "Сўқоқ" туркум манзаралари, "Ҳосил байрами" каби картиналарни ранг ва қалам тасвирнинг ноёб намуналари дейиш мумкин.

Николай Шиннинг, айниқса, "Морсия" монументал полотноси дунёга машҳур. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, унда яқин кишисидан жудо бўлган мотамсаро аёл тасвирланган. Полотно композициясининг умумий кўриниши Микеланжелонинг "Пилта" картинасини эслатади. Мутахассислар бу бадиий асар узунлиги ва кенг қамровлилиги билан дунёда нуфузли ўринда туради, дея таъкидлашади.

Ўзининг кўп йиллик ижоди билан Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, "Дўстлик" ордени соҳиби бўлган ҳамюртимизни корейс халқи ҳам эҳтиром билан тилга олади. Унинг Корея Республикаси "Олтин тож" ордени соҳиби бўлгани ҳам бежиз эмас.

Шуҳрат РАШИДОВ,
санъатшунос.

СУРАТЛАРДА: рассом ижодидан лавҳалар.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Спорт

ЛАГУТИН МАРРАДА

Тошкент вилоятида велошоссе бўйича ташкил этилган Ўзбекистон кубоги мусобақаси якунланди. Сўнгги босқичда эллик тўрт нафар спортчи 134 километр масофага ўтказилган пойгада ўзаро куч синашди.

Маррага биринчи етиб келган фарғоналик велопойгачи Александр Лагутин ғолиб бўлди. Қолган совринли ўринларни чирчиқлик спортчилар Юсуф Абреков ҳамда Руслан Каримов эгаллади.

(ЎзА).

Қарор ва ижро

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда банкларнинг ўрни йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда жойлардаги банк филиаллари амалга ошираётган ишлар мисолида ҳам кўрса бўлади.

Акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг Сирдарё вилояти бошқармаси ва хусусий тадбиркорларни кичик бизнес субъектларига жорий йилнинг 9 ойи давомида 1012 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратди. Натижада қўшимча 486 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

«Пахта банк»

МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР

— **Б**из қатъий пул кредит сиёсатини юритиш орқали инфляция даражасини янада пасайтириш, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш учун шароит ҳамда имкониятлар яратиш, молия бозорида соғлом рақобатни шакллантириш ва кучайтириш, аҳолининг биринчи даражали тўловларини ўз вақтида нақд пул билан таъминлаш каби вазифаларга асосий эътиборни қаратмоқдамиз, — дейди акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Усанов.

Унинг таъкидлашича, банк томонидан кичик бизнес субъектларига 2006 йил 1 октябрь ҳолатига кўра барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг 17,9 миллион сўми саноатга, 786 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 120 миллион сўми айланма маблағларни тўлдиришга, 67,2 миллион сўми қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга ҳамда 21 миллион сўм бошқа тармоқларга йўналтирилган. Ажратилган кредитларнинг 644 миллион сўми узоқ муддатли ҳамда 278 миллион сўми қисқа муддатли кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 249 та кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамол сотиб олиш учун 190 миллион сўм, жумладан, «Бандлик» жамғармаси ҳисобидан 86 та оилага 62,6 миллион сўм ва банкнинг ўз сармояси ҳисобидан 163 та оилага 127 миллион сўм ажратилди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоят филиаллари томонидан тадбиркор аёлларга ҳамда асосан аёллар меҳнат қиладиган ва аёллар раҳбар бўлган кичик бизнес субъектларига жами 463 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

АТ «Пахта банк» Сирдарё вилояти бошқармаси туман ва шаҳар филиаллари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бир қатор қишлоқ хўжалиги корхоналарига, жумладан, «Қишлоқхўжаликкимё» корхоналарига 261,9 миллион сўм, 89 та фермер хўжалигига 1002,3 миллион сўм кредит берди. Бу маблағга фермерлар «Класс», «Доминатор-130» русумли ғалла ўриш комбайнлари сотиб олдилар.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида банк томонидан жами 1266,1 миллион сўмдан ортиқ лизинг хизмати ҳам кўрсатилди.

Маълумки, ҳар бир соҳада рақобат мавжуд. Мижоз ўзига кўрсатилаётган хизматдан қониқиш ҳосил қилсагина, сизнинг хизматингиздан фойдаланади. Бугунги кунда мижозларга банк ва консалтинг хизматларини кўрсатаётган банкнинг жойлардаги филиаллари масаланинг шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратишган. Ҳозир филиаллар қошида 31 та мини банк шохобчалари фаолият юритмоқда. Натижада мини банк мижозлари сони икки мингдан ошиб кетди. Шунингдек, 1682 тадан зиёд фермер хўжаликларига малакали банк хизмати кўрсатилмоқда. 1176 та фермер хўжалигига жами 4894 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлиб, ушбу кредитларга ҳисобланган фоизлардан банк 104,5 миллион сўм соф фойда олишга муваффақ бўлди.

Тижорат банкларидан кредит олиш қишлоқ хўжалиги корхоналарига анча қулайликлар туғдирди. Молия вазирлиги ҳузуридаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғарма»си талабларига биноан, жорий йилда пахта етиштириш учун 13 миллиард сўм маблағ ажратилиб, тўлиқ ўрнатилган меъёрлар асосида сарфланди. Ғалла ҳосилини етиштириш учун жамғарма томонидан 2103 миллион сўм маблағ ажратилиб, сентябрь ойи мобайнида тўлиқ жамғармага қайтарилди. Ҳозир 2007 йил ғалла ҳосилини етиштириш учун 565 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилган. Яна банк филиаллари томонидан фермер хўжаликларига пахтани териб олиш учун бугунги кунгача 4,5 миллиард сўм нақд пул берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажаришда коммунал тўловлардан мавжуд қарздорликларни камайтириш ҳамда ушбу тўловларни тўлашда аҳолига ҳар томонлама қулайликлар яратиш мақсадида АТ «Пахта банк»нинг вилоят бошқармаси жойларда 6 та махсус кассалар ташкил этган. Ушбу махсус кассалар орқали аҳолидан 209,3 миллион сўм миқдорида нақд пул тўловлари қабул қилиниб олинди. 2006 йилнинг 9 ойи давомида банк филиаллари орқали аҳолидан коммунал тўловлар учун 2781,7 миллион сўм нақд пул қабул қилинган бўлиб, 2005 йил 9 ойлик тушумга нисбатан 1576,3 миллион сўм кўпдир.

Булардан ташқари, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозит ҳисоб варақларга жалб этиш бўйича бир мунча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли омонатлари режа бўйича 1729 миллион сўм этиб белгиланган, аммо ҳақиқатда 2287,8 миллион сўм жалб этилиб, режа 132,3 фоизга уддаланди.

Банк мижозларига 2003 йилда пластик карточка хизмат турини таклиф қилган эди. Ҳозирги кунда мижозларга сўмдаги дебет ва кредит пластик карточкалардан, юридик шахсларга эса сўмдаги корпоратив пластик карточкалардан фойдаланиш таклиф қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 30 июндаги Фармонини бажариш юзасидан ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июлдаги 300-сонли қарорига асосан, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар орқали амалга оширилган савдо айланмаси даромадидан имтиёзли солиқ тўлаш тартиби жорий этилди. Натижада, терминаллар орқали амалга оширилган савдо айланмаси ўтган даврга нисбатан бир неча баробар ортди.

2006 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, АТ «Пахта банк» Сирдарё вилояти бошқармаси томонидан мижозларга жами 36514 та пластик карточка тарқатилган бўлиб, улардаги жами қолдиқ маблағ 328,6 миллион сўмни ташкил қилади. Йил бошидан буён пластик карточкаларга 6406,9 миллион сўм маблағ жалб қилинган. Пластик карточка эгаларига қулайлик яратиш мақсадида нақд пулсиз тўловларни амалга оширадиган 109 та савдо, 21 та нақд пул бериш терминаллари ва 2 та банкомат ишлаб турибди. Улар орқали жами 2536,5 миллион сўм тўловлар амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, АТ «Пахта банк»нинг Сирдарё вилояти бошқармаси ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаяпти. Уларнинг асосий мақсади мижозларга қулайлик яратиш, шу орқали юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигига хизмат қилишдир.

Норқул МАМИРОВ.

SUPER
Универсал тариф режаси

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА **$0.04** (1 дақиқа учун)

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ КИРУВЧИ АЛОҚА **БЕПУЛ**

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ ЧИҚУВЧИ АЛОҚА **$0.02** (1 дақиқа учун)

МТС-Ўзбекистон абонентлари учун:
- Халқаро GPRS-роуминг хизмати Мальдивада (Wataniya Telecom) ишга туширилди.
- Тармоқ кенгайиши давом этмоқда! Қўшимча 32 янги база станциялари Тошкент шаҳрида, шунингдек Тошкент (Олмазор), Бухоро (Шофиркон, Когон, Ширин, Денов қ., Сармижон), Наманган (Янгиқўрғон, Кўгай, Кайки, Норинкапа, Шоҳанд, Қумуш-Тепа МЧЖ), Самарқанд (Самарқанд, Қўшқудуқ), Хоразм (Хива, Хонқа, Наврўз, Арбоблар), Қашқадарё (Элобод, Кўкдала, "УФК", Гувалак, Помуқ, Хўжақарлуқ), Навоий (Жалоир, Иджон) вилоятларида ишга туширилди.

Хизматлар лицензияланган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БИЛАН WWW.MTS.UZ САЙТИДА ТАНИШИШ МУМКИН

МТС

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири.

МЕҲРГА ТАЛПИНАР ҲАР ИНСОН

Талош палласи

Қуёш ботиб борар,
Уфқ қирмиз ранг,
Қуршаб олаётир ер юзини тун.
Сўнгги дақиқада қилаётир жанг
Тун ва кун, тун ва кун, тун ва кун.

Талош пайти дерлар ушбу лаҳзани,
Олишар ошкора нур билан зулмат.
Борлиқ жим кузатар қонли саҳнани,
Ҳар ёнда ваҳмкор, сирли сукунат.

Шамол ҳам қайгадир беркинган бу он,
Ғужғон қушларнинг ҳам тинган нафаси.
Сафарга чиқилмас, ўқилмас Қуръон,
Талош палласи бу, талош палласи.

Тонгда қайтурман деб, умидга тўлиб,
Фалак пучмоғига чекинар Қуёш.
Энди маржон-маржон юлдузлар бўлиб,
Само яноғида ялтирайди ёш.

2006 йил 9 октябрь.

Ожиз банда

Менга раво кўрманг улуғлик отин,
Мен на донишмандман ва на ботирман.
Ёруғ бу оламнинг сир-синоатин,
Ҳануз билолмасдан кетаётирман.

Фалакда шубҳасиз дунёлар бисёр,
Балки биздан етук, бизлардан ёниқ.
Лекин у ёқда ҳам мен каби ночор
Ожиз бандаларнинг борлиги аниқ.

2006 йил 31 август.

Талпиниш

Булутлар талпинар тоғларга,
Қушлар ҳам чаманзор боғларга.
Жилғалар дарёга талпинар,
Қуюнлар саҳрога талпинар.
Меҳрга талпинса гар инсон —
Савоб шу, тавоб шу, шу иймон.

2006 йил 25 сентябрь.

Эпиграмма

Тилингдан тушмасин уч-тўртта мақол,
Рангининг фарқи йўқ — қўйиб ол соқол.
Энди давраларнинг тўри сеники,
Ҳурматинг юксалар бўлсанг-да шоқол.

2006 йил 10 октябрь.

Эски фонус

(А.Файнбергдан)

Қуйлама у эски фонусни менга,
Пушкин ё Блок деб чекмагил фироқ.
Уларнинг шуъласи мендан кўп йироқ,
Қуйлама у эски фонусни менга.

Қуйлама менга Русь қаҳратонини,
Қишнинг замҳарири ер узра оқар.
Бестужев изиллаб қаёнга боқар,
Қуйлама менга Русь қаҳратонини.

Менга у йўлларни қуйламагин сен,
Шамол ҳам тополмас қорли сарҳадлар.
Навжувон Радишчев, овлоқ бекатлар,
Менга у йўлларни қуйламагин сен.

Қуйлама у сирли юртлар ҳақида,
Қуйлама мафтункор олис гўшани.
Қуйлама, қуйлама фақат ўшани,
Қуйлама у сирли юртлар ҳақида.

Ўзи йўқ севгини қуйлама, жоним,
Овозинг, бардошинг етмагай бу дам.
Ўчгай у фонуснинг шуълалари ҳам,
Ўзи йўқ севгини қуйлама, жоним.



MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатишди.

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Viniad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

олий маълумотли ҳуқуқшунос ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли Тошкент юридик коллежини тамомлаган ўрта махсус ҳуқуқшунос мутахассислигига эга бўлган фуқароларни вилоятдаги туман, шаҳар суд ижрочилари бўлимига суд ижрочиси лавозимига захирага олинишини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Қарши ш., Бешкент йўли, 3 км.
Телефонлар: 8-375 228-01-63, 228-00-26.

Ўзбек футболи фидойиси

Яқинда нашр этилган бу китоб бежиз шундай номланмаган. Унда ўзбек футболининг чинакам фидойиси, чекка қишлоқларга дунё футболи ҳавосини олиб киришни мақсад қилган ва бунга эриша олган инсон ҳақида, унинг кундалик ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилинган. Дарҳақиқат, асар қаҳрамони яйпанлик Олимжон Акбаровни кўпчилик водийдаги биринчи футбол қалдирғочи сифатида яхши билади. У киши футболимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган инсонлардан биридир. Шуни айтиш керакки, бу китоб бадиий асарликка даъво қилмайди, аксинча, Олимжон Акбаровни яқиндан билганлар, оила аъзолари, шогирдларининг у киши ҳақидаги хотираларидан иборат. У кишининг ҳаёт йўли одамларда ўз касбига фидойилик, ёшларда ватанпарварлик туйғулари шаклланишига туртки беради.

AGROTECH

«CASE CE» КОМПАНИЯСИНИНГ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТОРИ БЎЛИБ, У ЕР КАВЛАЙДИГАН, ҚУРИЛИШ ВА ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИГАН ТЕХНИКАЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛТИРИБ БЕРИШ БЎЙИЧА 10 ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГАДИР.

«AGROTECH» компанияси қуйидаги хизматларни таклиф этади:
- «CASE CE» компаниясида ишлаб чиқарилган техникаларни етказиб бериш;
- «CASE CE» компаниясида ишлаб чиқарилган техникаларнинг барча таъмирлаш ишларини бажариш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш;
- асл (оригинал) эҳтиёт қисмларни сотиш;
- лизинг орқали техникаларни олишда ёрдам кўрсатиш, техника ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун турли хил молия схемаларини таклиф этиш.

100074, Тошкент ш., Мухтор Ашрафий к., 108-уй.
Телефон: +998 71 120-60-30.
Факс: +998 71 120-60-20.
E-mail: agrotech@globalnet.uz

CASE
ПРОФЕССИОНАЛ ШЕРИК

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

BELARUS
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИЛИШИ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда Қашқадарё вилоятида қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларга танлов савдоларига қатнашиш учун талабгор ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

1. **Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги 720/100 ўқувчи ўринли Қарши давлат университети қошидаги академик лицей қурилиши (калити билан).**
2. **Қашқадарё вилояти, Қарши туманидаги 720/100 ўқувчи ўринли Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги академик лицей қурилиши (калити билан).**

Буюртмачи — Академик лицейлар қурилиши республика инжиниринг компанияси.
Манзил: Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси, 76-уй.
Телефонлар: (8-371) 393-11-84, 396-69-73. Факс: 393-91-84.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази Академик лицейлар қурилиши республика инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Малака танловида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келиши керак:
- *ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур мутахассисларга;*
- *фуқаролик ҳуқуқий қобилиятга ва шартнома тузиш ваколатига;*
- *шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;*
- *ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши ва танлов предмети объектида ўз кучи билан бажаришга режалаштирилаётган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида);*
- *2004 — 2006 йилларда ҳар йили ўз кучи билан 1000 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарганлик.*

Қайта ташкил бўлган (ажратилиш, қўшилиш), тугатилиш ёки мол-мулклари хатланиб, банкрот ёқасида турган, шунингдек, таъсис актлари, молиявий иштироки, холдинг ва бошқа шаклдаги бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий тобе бўлган талабгорларнинг танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг «Танлов савдолари иштирокчилари учун йўриқнома»да ўз ифодасини топган.

Қурилиш ташкилотлари малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосида қатнашиши ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга: **Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уй**, иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: (8-375) 223-10-63.**

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатлари, шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг беш кундан кечикмай берилади.

Олдиндан малакасини аниқлаш бўйича бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 30 000 (ўттиз минг) сўм.

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосидан (иккинчи босқичга) ўтган оферентларга танлов ҳужжатлари нархи — 30 000 (ўттиз минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши (иккинчи босқич бўйича) эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уй.

ЎзР ФА Информатика институти жамоаси лаборатория мудири, техника фанлари доктори, профессор **Эркин Мамажонович АЛИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Мониторинг бўлими бошлиғи Дилбар Насриддиновага падари бузруквор **МАҲКАМ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси жамоаси Ходимлар бўлими бошлиғи Нуринисо Асқаровага отаси **Қосимжон ҲАМРОЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.40 1 2 3 5 6